



# Халқ сўзи


Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 14 июль, № 138 (5053)

Чоршанба



19  
йил

**Истиқлол нури**  
Қорақалпоғистон Республикаси ҳам умумбашарий тараққиётнинг ойдин йўлига олиб чиқди, битмас-туганмас ҳазиналарига қалит солди. Президентимиз раҳнамолигида ҳаётимизнинг мазмунига айланган бунёдкорлик гоёлари туфайли бугун Оролбўйининг бош кенти — Нукусда қўлаб қорхоналар қурилди, янги йўлу йўналишлар очилди, азим кўприклар солинди. Энг илгор хорижий давлатлар компаниялари билан айни чоғда бир неча ўн йилларга мўлжалланган улугвор лойиҳаларни амалга оширишга киришилмоқда. Воҳадга бу ўзгаришлар турб мазмун-моҳияти билан жонажон Ватанимизга, унда азиз саналган инсон ва унинг манфаатларига қаратилган. Бугунги ислохотлар аҳолининг турмуши фаровонлашувига, шунингдек, эртанги кунимизга асқотадиган, мустақилликни авайлаб-асрайдиган, бошланган буюк ишларни муносиб давом эттирадиган навқирон авлодга хизмат қилади, албатта. Биз мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг юксак эътиборлари натижасида бутунлай янгича қиёфага кирган Нукусда бўлганимизда, ана шу эзгу гоёнинг амалдаги ижросини ҳар бир жабҳа мисолида кўриб, бошимиз кўларга етди.

## Озод юртнинг обод манзиллари

Самолёт иллюминаторидан кўзга ташланиб турган адоқсиз қум барханлари тугаб, ниҳоят, кўёш тигида қиличдек ялтйраётган дарё кўринди. — Амударё! — деди ҳаяжон ила ёнимизда ўтирган киши. Кейин у бизга юзланди-да, энтикканича кўзлари чақнаб, сўзини давом эттир-

ди: — Мана, энди, оғайни, шу дарёнинг икки тарафидаги гўзал воҳага бир назар ташланг-а? Бу — Қорақалпоғистон! Шундоқ остиимизда ястаниб ётган воҳанинг қоқ ўртасида яшариб, яшнаётган шаҳар — Нукус! Эътибор бераясизми, бу шаҳар қўм-қўқ денгиз ўртасида очилиб, хушбўй ифोर

таратаётган нилуфар гулига ўхшамайдими?

— Мабодо, шоир эмасмисиз? — дея сўрадик ҳамроҳимиздан.

— Шунга яқинроқ, — кулиб қўйди у. Нукус шаҳар бош меъмори Парахат

Ешчанов билан шу тарика танишдик. У Тошкентдаги шаҳарсозлик илмий тадқиқот институтида хизмат сафарид

да бўлиб, бугун уйига қайтаётган экан.

— Сир бўлмаса, айтинг-чи, қандай юмуш сизни пойтахтга қорлади?

— Илгари архитектура, меъморчилик деса, кўпчилик қандайдир иккинчи даражали соҳани тушунарди, — гапни узокдан бошлади суҳбатдошимиз.

— Мустақиллик шарофати туфайли эса бу соҳа ҳамма жойда ҳақиқий

санъат даражасига кўтарилди. Истиқлол йилларида Тошкентимизда, вилоятларимизда, шу жумладан, бизнинг воҳамизда ҳам бири-бирдан гўзал, мухташам маданий-маиший бинолар, уй-жойлар қурилгани ва қурилатгани бунинг исботи эмасми?

ларга, у ердаги қурувчилару меъморлар ишига, маҳоратига тан бердик. Айниқса, йўл ёқаларида чамандек очилиб ётган гулу гулзорлар ҳаммамизда чуқур таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).



Бахтиёр Акрамов олган суратлар.

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Маҳаллий ресурслар ҳисобига

**САМАРҚАНД.** Нурубод туманида йилига 500 дона пилта ва 25 минг дона блок гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "Сайф РСА" хусусий фирмаси ишга туширилди.

Корхонадаги қурилиш ва жиҳозлаш ишлари учун "Агробанк" очик турдаги акциядорлик тижорат банкининг 67,1 минг АҚШ долларига тенг кредитидан фойдаланилди. Айни пайтда 10 нафар ишчи жалб этилган мазкур корхонада дастлабки қурилиш материаллари тайёрлана бошлади.

Айтиш керакки, туманда шу йилнинг ўзида фақатгина қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи учта худда шундай корхона фойдаланишига топширилиши эвазига 60 та қўшимча иш ўрни яратилди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Хонқа либослари

**ХОРАЗМ.** Хонқа туманида Арслон Оллаевнинг тадбиркор сифатида яхши билиши. У тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришига ихтисослаштирилган "NANQA STAR" корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Бунинг учун ўз маблағи ва банк кредити ҳисобига Хитойдан замонавий технологиялар келтириб ўрнатди. Натижада 10 нафар киши, асосан, аёллар муҳим ишга бўлишди.

Эътиборли томони, корхонада вилоятда биринчилардан бўлиб, эркалар костюм-шими, шим, қўйлак ва пальтолар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотлар сифатли матодан тикилганлиги, бежиримлиги билан хорижийдан асло қолшмайди.

Хонқа туманида жорий йил бошдан буён фақат тадбиркорлар томонидан 2 млрд. 712 млн. сўмлик ҳалқ истеъмол моллари тайёрлангани, 100 га яқин тадбиркорлик субъекти янгитдан иш бошлагани эътиборга лойик.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Лойиҳа самараси

**НАМАНГАН.** "Ўзқизор қувончи" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилиши билан Косоний туманида ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ортди.

Туман марказида фаолият бошлаган мазкур энгил санат корхонасида катталар ва болалар учун оёқ кийимлари тайёрланади. Унда ўрнатилган замонавий дастохлар ёрдамида йилига 25 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш мўлжалланган. Лойиҳанинг биринчи босқичига қўра, бу ерда 15 нафар хунарманд меҳнат қилапти. Утган қисқа вақт ичида пойабзалчилар 424 миллион сўмлик маҳсулотни савдо тармоқларига чиқаришди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда "Инсон ҳуқуқлари химоя қилиш соҳасида Омбудсманнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамда "World Ombudsman" тўплами тақдимоти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонуңчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаятган дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова бошқарди.

Давра суҳбатиде Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш механизми яратилиб, ҳаётга изчил таътиб этилаётгани таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш жараёнининг босқичма-босқич амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминламоқда, 2008 йил 1 январдан Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санқор бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли химоя

қилишда муҳим омил бўлмоқда. Тадбирда жинсий ҳуқуқ соҳасида давлат сиёсатини эркинлаштиришининг муҳим жиҳатлари қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан инглиз тилида тайёрланган "World Ombudsman" тўпламининг тақдимоти бўлди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти лойиҳаларининг мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда чоп этилган ушбу нашр хорижий шериклар ҳамда ўқувчиларнинг Ўзбекистонда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш соҳасидаги билимини бойитиш, халқорамда ҳамда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайти-

(Давоми 2-бетда).

## ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Мажлисида бир қатор масалалар, яъни мамлакатда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" ўтиш тамойилини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари тизимини ривожлантириш, унинг мамлакатни, маъмурий-худудий тузилмаларни бошқариш жараёнига йўл равишда интеграциялашувини таъминлаш, шу билан бирга, Парламент комиссиясининг фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мустақил ривожланиш жараёнини жадаллаштириш ҳамда уларнинг мамлакатни янада демократлаштиришдаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти кўриб чиқилди.

Шу боис ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, ижодий ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини таъминлаштириш учун тегишли шарт-шароит яратиш, улар меҳнатини етарли даражада рағбатлантириш мақсадида Парламент комиссияси жамияти институтлари, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари лойиҳалари таъминоти ўтказишни режалаштирган. Мажлис иштирокчиларининг фикрича, буларнинг барчаси миллий матбуотимиз сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Мажлисида нодавлат нотижорат ташкилотларининг социал-ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини танлаб олиш ва қўлаб-қувватлаш мақсадида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари лойиҳаларини дастлабки тарзда баҳолаш ва сифатли танлаб олиш бўйича мустақил экспертлар гуруҳи таркиби тасдиқланди. Шу билан бирга, Парламент комиссияси фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг меъърий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришга қаратилган қарор қабул қилди.

Қайд этилганидек, Комиссия фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини янада кучайтириш, ахборот маконини эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар

З. АШУРОВА.

### Тадбир

## ҚИЗГИН МУНОЗАРАЛАР, АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Олий Мажлис Қонуңчилик палатасида қўйилган Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари ҳўмитасида фаолият юритаятган ЎзЛДП фракцияси аъзолари томонидан қонун ташаббускорлиги асосида тайёрланаётган "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг навбатдаги муҳокамасига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Унда Қонуңчилик палатаси депутатлари, Қўмита қошида ташкил этилган жамоатчилик экспертлар гуруҳи аъзолари, соҳага таалуқли олий ўқув юртлари ҳамда илмий тадқиқот муассасалари етакчи олим ва мутахассислари, ҳуқуқшунос ҳамда илмий тадқиқотчилар, тегишли вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, "Қишлоқ таррақийти ва фаровонлиги йили", 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар ҳамда 2010 йилда мамлакатда янги иш ўринларини таъминлашга

қаратилган дастурларда қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, иктисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш иштини янада жонлантириш каби масалалар ўз иньикосини топган.

(Давоми 2-бетда).

Президентимизнинг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган "Қурилиш материаллари саноатида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида"ги Фармониға асосан, ушбу соҳани янада таррақий эттириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ РИВОЖИ ЙЎЛДА

"Ўзурилиш материаллари" акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, ушбу тармоқ мазкур Фармон асосида тобора ривожланмоқда. Унга қўра, 2005 — 2010 йилларда 122 лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган бўлиб, шундан 119 таси рўбга чиқарилди.

(Давоми 2-бетда).

## ЭКСПОРТ — КОРХОНА ШАЪНИ

Жорий йилнинг биринчи яримда "Анджонкабель" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида экспортга чиқарилган маҳсулотлар қиймати

13 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бу ерда ишлаб чиқариш модернизация қилиниб, замонавий технологик ускуналар билан қайта жиҳозлангани, ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилгани, импорт ўрнини босувчи товарлар сифати янада яхшилانгани, айтиш мумкинки, муваффақиятлар гарови бўлди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

**Маълумки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида халқ вакилларининг фаолияти ҳақида фикр юритиб, истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берганди. Жумладан, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида "Олий Мажлисининг ўтган даврдаги фаолиятини талабчанлик руҳида, танқидий баҳолаб эканимиз, парламент ишида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этмасдан, сустлашган ва ўзбўларчилик ҳолатларига барҳам бермасдан туриб, депутат ва сенаторлар ўз олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга, сайлов пайтида сайловчиларига берган юксак ваъдаларининг устидан чиқишга эриша олмаётганини аққол аглаб, тушуниб олишимиз керак", деб алоҳида таъкидлаган эди.**

# ВАКОЛАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Дарҳақиқат, Парламент палаталарининг 2010 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурларида ана шу мақсадларни рўйбга чиқариш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга доир 2010 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ҳам ана шулар жумласидандир. Бу дастур Сенат аъзоларининг фаолиятида муҳим аҳамият касб этади, албатта. Чунки Сенат вакиллик органи бўлиб, унинг кўпчилиги аъзолари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари

нинг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий Кенгашларнинг ваколатли вакиллари ҳисобланади ва уларга ҳисоб беради. Ва шу сабабли ҳам сенаторлар ўз фаолиятида, қонунлари муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишда, биринчи навбатда, умумдават манфаатларидан келиб чиқиб иш юритади. Лекин афсуски, бугун барча халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва ваколатларини тўла рўйбга чиқармоқда, дея олмаимиз. Айниқса, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари фаолиятини тубдан яхшилаш,

уларнинг ҳудудлар иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги нуфузини юксалтириш, депутатлар фаолигини ошириш айти заруратдир.

## Мушоҳада

Яқинда Жиззахда бўлиб ўтган семинар-тренингда мана шу масалалар муҳокама этилди. Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан сайланган сенаторлар, халқ депутатлари мажлислари вилоятлар Кенгашларининг доимий комиссиялари раислари, ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари иштирок этган мажмур тадбирда таъкидлангандек, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтириш ҳудудлардаги

қўлаб муаммоларнинг жойида ва ўз вақтида ҳал қилинишини таъминлаб, ижроия ҳокимият органлари яқиндан ёрдам беради. Бу борада ҳар бир депутатдан депутатлик назоратига масъулият билан ёндашиш, сайловчи билан ишлашни янада яхшилаш, оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишлар ташкил этиш ва доимий комиссиялар фаолиятини такомил-

сан, сайловчилар билан ишлашни яхшилаш мақсадида халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари учун кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида қабул қилнари ташкил этиш, сайловчилар билан мунтазам учрашувлар уюштириш керак. Айни пайтда, энг муҳим вазифалардан ҳисобланган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва Бандлик дастури ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсада мувофиқдир. Яъни маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари ана шу соҳалардаги ишлар қандай бажарилаётганини мунтазам ўрганиб бориши, булар бўйича тегишли ҳисоботлари белгилашган тартибда маҳаллий Кенгашлар сессияларида эшитиб бориши зарур. Зотан, шундангина сайловчиларга берган юксак ваъдаларимизнинг устидан чиқишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ваколатларимиз аниқ, масъулиятимиз эса жуда катта. Ана шу масъулият бизни ҳар доим фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳизмат қилишига, жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун курашишга ундаб туриши, табиий.

**Икром ҚОРАТОВ,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу тўпламга йигирмадан ортқ хоржий омбудсманлар, дунёнинг турли мамлакатлари олимлари ва амалиётчиларнинг материаллари киритилган, бу борада Ўзбекистон таърибаси очиб берилган. Унда муаллифлар томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти ташкил топишининг асосий босқичлари, унинг ҳудудий вакиллари фаолияти, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва хоржий ҳамкасблар билан ҳамкорлиги акс эттирилган.

Тақдирот маросимида сўзга чиққан муаллифлар, Омбудсманнинг миллий ҳамкорлари, дипломатик корпус, илмий муассасалар ва ўқув юртлари вакиллари нашрнинг долзарблигини ҳайда этдилар.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган "Деворбоп материалларини қўйиштириш рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борадаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам соҳа ривожига муҳим омил бўлди. Қўриқилган материалларни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежайдиган ва экологик хавфсиз технологияларни жорий қилиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Юқори технологиялар ва замонавий бошқарув тизимларини қўллаш орқали ишлаб чиқаришнинг экологик даражасини ва самардорлигини ошириш устувор вазифалардан саналади.

Хозир "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси цемент, шифер, ойна ва ойна бўюмлари, қуруқ қурилиш қўриқмалари, гипс бўюмлари, гипс картони, бўёқлар, қоплама ва сопол қоқинлар, гипс, деворбоп материаллари каби турли қурилиш материалларини ишлаб чиқармоқда. Кейинги йилларда 30 турдан ортқ янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш борада қўриқилган чора-тадбирлар ишлаб чиқариш ҳамини йилга 10-12 фоиз ошириш имконини берди. Маҳсулотларнинг кўп қисми Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Афғонистон сингари мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Четта қириқлаётган маҳсулотлар ҳамини жорий йилнинг биринчи чорагида 21,4 миллион АҚШ долларидан ошди.

**В. НИКОЛАЕВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

## «FROMODA TEKSTIL» МАҲСУЛОТЛАРИ

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўлаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани кишлоқларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилмоқда.**



**М. ҚОДИРОВ** олган сурат.

Фаргона вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар олиб борилаётган. Хозир вилоятда 43 мингдан ортқ кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатиб, уларнинг ялғи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 55,6 фоизни ташкил этмоқда.

Вилоятда импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар кўпаймоқда. Хусусан, Олтиариқ тумани, Полосон қишлоғидаги "FROMODA TEKSTIL" маҳсулияти чекланган жамиятида 50 турдан зиёд трикотажд маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган.

Корхона Япониянинг трикотажд маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий дастгоҳлари билан таъминланган. Маҳсулотлар жохон

стандартлари талабига мос ва сифатли. Шу боси уларга буюртмалар кўпаймоқда. — Юртбошимизнинг биз, тадбиркорларга қаратаётган эътибори фаолиятимиз ривожига муҳим омил бўлмоқда, — дейди жамият раҳбари Фарход Абдураҳимов. — Корхонамиздаги замонавий дастгоҳлар тўла

## Изланиш

миз ривожига муҳим омил бўлмоқда, — дейди жамият раҳбари Фарход Абдураҳимов. — Корхонамиздаги замонавий дастгоҳлар тўла

компьютерлашган бўлиб, дизайнерларимиз янги туркумдаги маҳсулотлар яратиш борада иланишлар олиб бормоқда. Корхонада бир ойда 30 минг донна трикотажд маҳсулотлари тайёрлаш имконияти мавжуд. Бу ерда 40 нафар ёш меҳнат қилмоқда.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

## Бандлик

**Гулистон шаҳрида "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари" ярмаркаси бўлиб ўтди.**

## ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

Вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда қўлаб ташкилотлар 731 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада вилоят шаҳар ва туманларидан келган 540 киши доимий ишли бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, ишга кирганларнинг 431 нафарини ёшлар ташкил этади. Ярмаркада 115 киши қайта ўқишга юборилиб, яна 105 киши жамоат ишларига жалб қилинди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## ҚИЗГИН МУНОЗАРАЛАР, АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, уларда кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, кишлоқда аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида бандликнинг ўсишини таъминлаш, улар даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш бўйича амалий чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси М. Тешабоев олиб борган мажмур амалий тадбирда соҳада қонунчилик базаси ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш асосида кишлоқ аҳолиси манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Бинобарин, аграр соҳада иқтисодий ислохотларни ҳамда кишлоқда янги мулк муносабатларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонларнинг ҳиссаси катта. Зеро, уларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсатини изчил чуқурлаштириб боришни фермерлик ҳаракатини янада қўлаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш орқали давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда аграр соҳани янада ривожлантириш, уларга замонавий технологияларни жорий этиш, табиий яйловлардан фойдаланишни тартибга солиш каби масалалар кенг муҳокама этилди. Шунингдек, қонунчилик омихта еш ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари

учун хом ашё етказиб бериш, деҳқон ва аҳоли томорқа ҳўжаликлари ҳамда паррандачилик ва балиқчилик учун озқувчи экинлар етиштириш, кишлоқларда, айниқса, чекка ҳудудларда янги иш ўринлари барпо этиш мақсадида фермер ҳўжаликлари иختисослашувининг янги турини вуқудга келтириш, озқувчи экинлар етиштириш ва тайёрлашга иختисослашган фермер ҳўжалиklarини ташкил этишни назарда тутувчи янги ҳўқуқий нормани киритиш тақлифи ҳам илгари сурилди.

Амалий тадбирда семинар мавзуси юзасидан маъруза қилган нотиқлар юқориди тақлиф ҳамда "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилиши режалаштирилган фермер ҳўжалиги жойлашган ер, унинг почта манзили, фаолият кўрсатаётган ҳудуди, ҳўжалигини идора этадиган, асосий моддий-техник заҳиралари сакланадиган, етиштирилган кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бирламчи ва қайта ишлаш жойи каби қатор ҳўқуқий нормалар атрафида ҳам қизгин савол-жавоблар ва баҳс-мунозаралар олиб бордилар.

Тадбирда "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси юзасидан ҳам атрафида ва қизгин савол-жавоблар бўлиб ўтиб, қатор амалий тақлифлар билдирилди.

**Алишер БОЛИЕВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 13 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга nisбатан қийматини қийматини белгилади:

1 Австралиа доллари	1401,47	1 Малайзия ринггити	500,65
1 Англия фунт стерлинги	2405,19	1 Польша злотгити	496,17
1 Дания кронаси	270,71	1 СДР	2394,52
1 БАА дирхами	435,79	1 Туркия лираси	1032,50
1 АҚШ доллари	1600,58	1 Швейцария франки	1516,85
1 Миер фунти	281,00	1 Евро	2016,99
1 Исландия кронаси	12,83	10 Жаңубий Корея вони	13,37
1 Канада доллари	1553,06	10 Япония йениси	179,70
1 Ҳитой юанси	236,39	1 Россия рубли	51,97
		1 Украина гривнаси	202,46

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# ЯШАРИБ, ЯШНАЁТГАН НУКУС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уша пайтда, биласизми, юрагим тубидаги бир армоним юзга тенди. Гап шундаки, биз, нукусликлар ана шундай гулзорлар яратиш учун гулчилик масаласида сал оқсаримиз. Бунга сабаб, тупроқ шароитимиз оғирлиги, шўрқоқлиги, ер ости сувларининг яқинлиги... Шунинг учун Андижонга бориб келганимиздан кейин биз ўзига хос йўл тутидик: Нукус шаҳар бош лойиҳасига ўзгартириш киритдик. Ҳозир ўша иссиқлигини ҳисобга олган ҳолда, одамларимизнинг соя-салқин жойларда дам олиб, хордик чиқаришларини назарда тутиб, Амурдёр ёқасида 400 гектарлик миллий бог яратишга қарор қилдик. Бу хайрли юмушни шаҳарни ривожлантириш дастурига киритдик. Бугунги сўрасангиз, Тошкентга айтиш бу бог лойиҳаси масаласи бўйича борганим...

...Самолётдан тушишимиз биланоқ, юзимизга гарисел урилди. Нукус бизни ўз офтоби, қайноқ тафти билан қарши олди. Парахат дилкаш, кўнгли очик, меҳмоннавоз йигит экан. Бизни бир пилёла чоғга тақлиф этди. Сўнгра Нукус шаҳарини айланиб, томоша қилишимизга ҳам имконият яратиб берди. Йўл-йўлакай шаҳардаги ўзгаришлар хусусида сўзлаб, жумладан, шундай деди:

— Ҳар қайси минтақанинг ўзига хос меъморилик аънаъаси мавжуд. Биз шундан келиб чиқиб, марказий майдонимизда қайта реконструкция ишларини амалга оширдик.

Бу майдон ўзига хос гўзал ва маҳобатли эди. Рўпарда Қоракўлпогон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг кўп қаватли биноси кўр тўғри туриди. Сўл томонда республика Вазирилар Ке-

гаши, Миллий банк... Сон-саноксиз арча, турфа гуллар экилган улугвор майдон ўртасида Бердак хайкали. Мумтоз шоир, гўё Истиқлол имкониятларидан, ўлкадаги ўзгаришлардан мамнундек, олислардан нигоҳини узолмаётгандек...

Майдон қаршисидаги Қоракўлпогонистон кўчасида ҳам бири-биридан кўрам бинолар, илға ти-зилган маржондек, қишиниқ хавасини келтиради. Улқашунослик музейи, "Раҳнамо" меҳмонхонаси, "Микрокредитбанк", супермаркет, марказий почта, "Қирқиз" ресторани, республика Молия вазирлиги, Марказий банкнинг Қоракўлпогонистон бошқармаси... Шаҳар бош меъмори таъкидлаганидек, биноларнинг ҳар бири ўзига хос, бири-бирини тақроқламамайди, шаҳарсозлигининг энг яхши намуналарини ўзида мужасам этган.

Қоракўлпогонистон кўчаси "Турткўл" гузарига олиб чиқади. Бу ерда ҳам меъморий ечими шў раминга хос, чиройли бинолар қад ростлаб туриди. Кўп қаватли "Тошкент" меҳмонхонаси, Фанлар академиясининг Қоракўлпогонистон бўлими, Нукус давлат университети қошидаги 2-сонли лицей... Гузардаги кўп қаватли уйлар қайта реконструкция қилиниб, биринчи қаватда аҳолига хизмат кўрсатадиган маданий-маиший муассасалар, савдо дўконлари, хунармандчилик устаноналари бунёд этилмоқда.

А. Дўсанзаров кўчасидаги 2-сонли тиббиёт коллежи олдида тахтатошлик муаллими Гулоям Ҳўжанова билан танишдик. — Ҳўвчиларимдан тўрт нафарини шу коллежга олиб келганим, — деди Гулоям. Муаллимнинг шаҳардаги қурилиш, бунёдкорлик ишлари ҳақидаги фикри билан қизиқдик.



— Мустақиллик йилларида Нукус қайтадан қурилди, чин маънода, замонавий шаҳарга айланди, — дея сўзида давом этди Гулоям. — Ишонсангиз, ёшлигимизда шахар айланганимиз келса, у-бу камчилигимизни битказиш учун узоқ йўл босиб, қўшни Хоразм вилоятининг маркази — Урганчага борардик. Эндликда Нукус шаҳаримизда ҳам инсон учун керакли хамма нарс мўхайё. Бир неча олий ўқув юртлари, коллеж, лицейлар, маданий-маиший муассасалар, спорт иншоотлари, кенградон йўллар, боғу хибронлар... Шаҳарни кезиб, баҳридилли очилди кишиниқ...

"Чимбой" гузаридидаги улкан иншоот эътиборимизни тортиди. — Бу Президентимиз ташаббуси билан 2006 йилда қурилган Олимпия заҳиралари коллежи мажмуаси, — изоҳ берди Парахат. — Мажмур мақсадда мингга яқин ўғил-қиз спортнинг турли йўналишлари бўйича сабоқ олашди. Бунинг учун барча шарт-шароит етарли. Коллеж ўқувчилари

орасидан республика, жохон чемпиони, Осиё мусобақалари совриндорлари етишиб чиқадигани бунинг далилидир.

Муайтай бўйича беш қарра жохон чемпиони Эркин Қуттибоев коллеж директори экан.

— Хизмат тақозоси билан тез-тез хоржий юртларда бўламан, — дейди Эркинжон. — Қарда бўлмай, узоқ туролмайман, жонажон шахрим, киндик қоним тўқилган она-масканим — Нукусни соғиниб қоламан. Шаҳаримизнинг ўзига хос табиати, тафти, чиройли менга алоҳида гурур-ифтихор, куч-қувват бағишлайди-да.

Офтоб қиздиргандан қиздирадигани Вужуд-вужудинг тейлаётганини хис этасан, киши. Шундай паллада ҳар қадамда салқин ичимликлар, турфа ширинликлар, сархил мевалар билан савдо қилувчи дўконлар, ҳам ўзбек, ҳам қоракўлпогон таомларининг бир неча хили тайёрланадиган ошхоналар, кафе, ресторалар қоринга ярайди. Тангадек офтоб тушмайдиган боғу хиброн

лар эса шаҳар аҳлини, меҳмонларни бағрига чоғлайди.

— "Борса-келмас" деб номланувчи асрий Қоракўм ва Қизилқум сархорлари шаҳримиздан унча узоқ эмас, — тушунтиради мезбонимиз. — Шунинг учун об-ҳавоимиз кескин континентал: ёзимиз ўта иссиқ, қишимиз эса совуқ. Биноларни ҳам ана шу ўзига хослигимиздан келиб чиқиб, қуришга ҳаракат қилаймиз. Бахтимизга, Нукуснинг ёнгинасидан Амурдёр, шаҳримиз ўртасидан "Қизкеттен" канали оқиб ўтади. Иккала сув манбаи шаҳардаги микроклимни сақлашда катта роль ўйнайди. Биз аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида дам олиб, хордик чиқарадиган кўнгличор жойларни имкони борича табиатга, сувга яқин ерларга жойлаштираймиз. Хўссусан, шаҳаримизнинг асосий қўчалари — Амир Темур, Турон, Дўстлик гузар, Эрназар Олақўза каби ўн битта кўчадаги бино-иншоотлар, маданий-маиший муассасалар қайта реконструкция қилинди.

Марказий "Турон" стадиони, "Орол" бассейни, улкан спорт мажмуаси, 2-сонли тиббиёт коллежи биноси ва бошқа бир қанча спорт иншоотлари қурилиб, ишга туширилди.

Айни кунларда шаҳар болалар сил касалликларни шифохонаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда, янги мусиқа мактаби биноси қуриляётган бўлса, 2-болалар мусиқа мактабида капитал реконструкция ишлари олиб бориляпти. Олимпия заҳиралари коллежида барпо этиляётган улкан сўз хаваси эса Мустақиллик байрамига чойа фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, "Барқомол авлод йили" Давлат дастури бўйича ёш оилаларга мўлжалланган 32 та уй-йўқ қурилоқда. Уларнинг ўн еттигасига бугун-эрта уй соҳиблари кўчиб ўтади.

Бандлик дастури бўйича эса кейинги икки йил ичида 5700 нафар киши иш билан таъминланди. Шаҳарда мақорон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона, қанд заводи қуриб битказилгани, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси кўмағида чармин қайта ишлаб, пойабзал ва бошқа маҳсулотлар тайёрловчи корхона модернизация қилинган, Миллий банк инвестицияси ҳисобидан «Нукус текстиль» корхонасида янги технология асосида табобат бинти ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани бунга имкон берди.

Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-йўқ қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида, шунингдек, шаҳар чеккасида қайта қуриляётган, янгидан бунёд этиляётган турархўй биноларига тоза ичимлик суви, табиий газ олиб бориладиган, маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатадиган инфратузилма шакллантирилади.

Ҳўлига, янги уй-йўқ қураётганларга ёрдам бериш, улар оғирини енгли қилиш мақсадида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг кредити ҳисобидан 4,5 гектарлик "Қурилиш материаллари базори" қурилади, шу ернинг ўзига тадбиркорлар маблағи эвазига иккита қатла супермаркет бунёд қилинади.

Кўриниб турибдики, келгусида Нукус нафақат мамлакатимиздаги, балки дунёдаги энг гўзал, энг обод шаҳарлардан бири бўлади. Истиқбол шарофати билан яшариб, қоракўлпогон элининг фахру ифтихорига айланиб бораётган Нукус кун сайин гўллаб-йишайверради. Юртбошимизнинг шаҳарсозлиқ бораидаги сиёсати, қимматли йўл-йўқларни, қоракўлпогонистонликларнинг азму шижоати, яъни бугунги ишдам қадамлари, бунёдкорлик ишлари айти шундан далолат бериб туриди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**  
**Али ЗИЁДОВ.**



Спорт

БИЛАКДА КУЧ, ЮРАКДА ҒАЙРАТ

Ўзбек халқи азал-азалдан алпкомат паҳлавонлари, кураги ер искамаган полвонлари билан машҳур. Улар халқнинг, миллатнинг фахру гурури ҳисобланган. Бугун ҳам ана шундай спортчиларимиз бисёр.

Навоийлик иқтидорли армрестлингчи Мақсуд Долиев ҳам катта майдонлар узра юртимиз шарафини юксакка кўтарайтган ёш спортчилардан бири.

Эътибор ва ғамхўрлик спортчининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшар экан. Президентимиз раҳнамолигида биз, ёшларга яратиб берилган шарт-шароитлар мақсадимиз сари дадил интилишимиз учун пойдевор бўлаётди, дейди у.

Мақсуднинг эришган ютуқлари салмоқли, фахрли. Бу борада биринчи мураббийси Игор Шишковнинг ҳиссаси ҳам катта бўлгани, шубҳасиз.

Жумладан, у дастлабки йирик муваффақиятни Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида қўлга киритганди. Ушанда у Осиё биринчилигида жаҳон чемпиони Миржан Дукмиевни енгиб, муҳлису мутахассисларни ҳайратга солганди. Аммо юртошимизнинг бундан кейинги халқаро мусобақаларда ғалабалари янада юксак бўлди: Мақсуд Долиев олти марта Ўзбекистон, тўрт бора Осиё чемпиони,

Халқаро гимнастика федерацияси батутда сакраш усталарининг навбатдаги рейтингини эълон қилди. Қувонарли томони, мазкур спортнинг дунёдаги энг кучли вакиллари қамраб олинган рўйхатни ҳамюртларимиз бошқармоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ ПЕШҚАДАМ



Унда яқинда Польшанинг Вроцлава шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон кубоги босқичида чемпионлиқни қўлга киритган термаиз аъзоси Анна Савкина 85 очко билан биринчи ўринда қайд этилди. Кейинги кўрсаткич ҳам ўзимизники. Пекин Олимпиадасида бронза медални соҳиббас бўлган Екатерина Хилько 77 очко жамғарган ҳолда иккинчи қатордан ўрин олди. Учинчи ўрин эса германиялик Анна Догонадзе ва голландиялик Андреа Лондерс (ҳар иккаласида ҳам 60 очкодан)га тегишли деб топилди.

Жуфтликлар борасида ҳам натижамаз чакки эмас. Айнан Савкина ва Хилько дуэти синхрон сакраш усталари орасида энг кучли учликни яқунлаб беришган. Германиялик Догонадзе ҳамда Симон, хитойлик Ли билан Чжон биринчи ва иккинчи қаторни банд этган.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 3-4 сентябрь кунлари Испаниянинг Альбасете шаҳрида Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичига старт берилди. Мазкур йирик мусобақада ватандошларимизга омад тилаб қоламиз.

ЕНГЛА

АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистонлик спортчилар ўзларининг қатор ғалаба ва муваффақиятлари билан тобора яқинлашиб келаётган энг улғу, энг азиз айём — Мустақиллик байрамини муносиб совға тайёрлашмоқда.

Яқинда Вьетнамда ниҳоятга етган энгил атлетика бўйича ёшлар ўрта-сиддаи Осиё чемпионатида ҳам бу аънаво давом эттирилди. Унда найза улоқтириш бўйича Анастасия Свечникова 54,32 метр натижа кўрсатиб, чемпион бўлди.

Ўн курашда 6677 очко тўплаган Сергей Тимшин ва ядро улоқтиришда муваффақиятли қатнашган Татьяна Чекаева бронза медални қўлга киритди.

Спорт

Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори кутубхоначилик тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, юртимиздаги зиё масканларида туб ўзгаришлар ясада муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, соҳага замонавий ахборот технологиялари жадал жорий этилди. Натижада зиё масканларини янги нашлаш билан бойитиш, ахборотларни тўплаш ва уларни ўқувчилар оmmasига етказиб бериш қамрови янада кенгайди.

ЭЛЕКТРОН ЖАВОҲИР

Компьютер ёрдамида турли адабиётларнинг электрон нусхаларини яратиш, уларни масофадан туриб ўқувчилар эътиборига ҳавола этиш сингари тезкор фаолият турлари яратилдики, бу муштарийларнинг электрон китобга яқин бўлишларида яна бир қўлайлик туғдирмоқда.

Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти ахборот-кутубхона марказида ҳам айни пайтда ана шундай қўлайликлар яратилган.

Хозирда марказимизнинг китоб фондига 595509 тадан ортиқ адабиётлар мавжуд, — дейди марказ директори Раҳимбой Қурбонов. — Китобхоналаримизнинг сони эса 20 минг 500 нафардан ортиди. Ахборот технологиялари бўлими, маънавий-маърифий ишлар тармоғи улар сафини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Марказимиздаги 33 та компьютер жамланмаси, принтер, нуска кўчириш аппаратлари ва бошқа технологиялар китобхоналар хизматида. Буортмалар китобхоналарга электрон каталогга

киритилган 28 мингдан зиёд адабиётлар орасидан тезкорлик билан топиб берилади. Шунингдек, марказ «Internet», «ZiyoNET» тармоғи орқали турли мавзулардаги маълумотлар, ўқув қўлланмалари билан бойитилмоқда. Бу, энг аввало, коллеж, лицей, мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг ўз билимларини мустаҳкамлашларида қўл келмоқда.

Қисқа вақт мобайнида марказимизда электрон адабиётлар жавони яратилгани қувонарли ҳол бўлди. Хозирда бу электрон жавонда «Султон Жалолоддин Мангуберди», «Нажмиддин Кубро», «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» сингари юзлаб электрон асарлар мавжуд.

Дарҳақиқат, соҳага замонавий технологияларнинг кириб бориши кутубхоналарни китобхоналарга жуда ҳам яқинлаштирди. Ахборот-кутубхона марказининг веб-сайти ZiyoNET порталида фаолият олиб бормоқда. Бу ерда «Кутубхона та-

рихи», «Биз ҳақимизда», «Бўлимлар», «Умумий хизматлар» каби саҳифалар мавжуд. Шунингдек, унда марказнинг электрон ресурслари ҳақидаги маълумотлар ҳам бериб борилади.

Хозирги кунда ахборот-кутубхона марказида 2000 дан ортиқ но-дир адабиётлар сақланмоқда. Бу китобларнинг айримлари тошбосма, қозонбосмага оид ва қўлда

орқали ахборот олиш, алоқа ва бошқа амалларни бажариш кўникмаларини ҳосил қилмоқдалар. Бундан ташқари, марказда кутубхоначилар учун ҳам «Малака ошириш, тажриба мактаби» ташкил этилган. Бу ерда сўнгги бир йилда 300 нафарга яқин кутубхоначи малакасини оширди.

Бугунги кунда вилоят ахборот-кутубхона маркази илмий-услубий

кўчирилган қўлёзмалар бўлса, бошқалари араб-форс, инглиз, немис, татар, қозоқ, рус тилларида чоп этилган ноёб асарлардир. Улар орасида Имом Абу Исо Термизийнинг араб тилида ёзилган, 1200 йилга оид «Шамойили Муҳаммади» аса-ридан тортиб, Суфи Оллоёвнинг 1826 йилда тошбосмада чоп этилган «Туркий тил», Эмиль Золянинг 1898 йили Берлинда нашр қилинган «Париж» китоби, 1913 йилга тегишли «Париж ва Вена тарихи» сингари китоблар бор.

Қувонарли жиҳати, тизимда жорий этилган янгиликлар натижасида марказ ахборот технологияларининг сир-асрорларини ўрганиш масканига айланди. Хусусан, ўқув-методика бўлими томонидан китобхоналарнинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш бўйича доимий ўқув машғулотлари ўтказилаёпти. Бунинг натижасида ёш китобхоналар компьютердаги китоб жавонидан фойдаланиш, интернет

ва мувофиқлаштириш маркази сифатида олий таълим тизимидаги 4 та, вилоят касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли 91, туман ва шаҳарларнинг 11, умумтаълим мактабларининг 55 та ҳамда вилоятдаги бошқа ахборот-ресурс марказларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Марказ ходимлари томонидан ишлаб чиқилган ўнлаб услубий қўлланмалар, ахборот-ресурс марказлари-га, кутубхоналарга етказиб берилмоқда.

Китоб дунёси, ахборот дунёсининг чек-чегараси йўқ. Хозирги имкониятлардан унумли ва тўғри фойдаланиб, китобхоналарга малакали ва сифатли кутубхона хизмати кўрсатилсагина халқимизнинг китоб дунёсига, ахборотга бўлган чанқоқлигини қондириш мумкин. Марказ ходимлари маълум маънода бу мақсадга эришяптилар, десак муболаға бўлмайди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Избоскан туманида жойлашган вилоят ихтисослашган санъат мактаби нафақат Фарғона водийси, балки республикамизда ҳам алоҳида нуфузга эга. Бу ерда таҳсил олаётган кўпчилик ёшлар ноёб иқтидор ва истеъдоди билан санъат ихтисомандлари эътиборига тушиб улгурган. Аҳамиятлиси, уларнинг турли танлов ва ижодий беллашуларда қўлга киритаётган муваффақиятлари салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

РАССОМ ҚИЗИНИНГ ОРЗУСИ

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган аънавий «Янги авлод» болалар ижодиёт фестивалида мазкур мактабнинг 8-синф ўқувчиси Садоқат Қобилжоновани ўзининг ижод намуналари билан қатнашиб, олтин медалга сазовор бўлди. Унинг, айниқса, «Баҳор манзараси», «Она билан бола», «Она алласи», «Тўй», «Сумалак», «Болалик» каби 15 га яқин расмлари композицион тузили-

ҳам рассом қизини чинакам баркамоллик сари руҳлантирувчи ютуқлар билан бошланди. У жорий йилнинг март ойида пойтахтимизда ўтказилган «Тасвирий санъат+5» ҳафталигида фаол иштирок этиб, сертификат ва олтин медал билан тақдирланди.

Садоқатнинг адабиётга ҳам ихлоси баланд. У бўш вақтида китоб ўқийди, шеърлар машқ қилади. Сўнг ёзганларини саралаб, матбуот нашрларига жўнатади.

— Садоқат серқирра истеъдоди билан тенгдошларига ўрнак бўлаётди, — дейди устози Рустамжон Ҳабибидинов. — У айни пайтда либос дизайни йўналиши бўйича замонавий иқтисодиёт услубини ўйлаштираган ҳолда либослар яратиш устида ишлаётди, эскизлар тайёрлаётди.

— Бугун биз, ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб қўлишимиз учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Садоқат. — Айниқса, Юртбошимиз томонидан истеъдодли ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан қувончимиз чексиз. Яқинда нуфузли фестивалда олтин медалга насиб этганда, беҳиётёр кўзларимга ёш келди. Бундай рағбат менга куч-қувват беради. Энди билимимни ошириб, устозлар кўмагида ранг-тасвир йўналишини пухта эгаллаб боришга ҳаракат қиламан.

Садоқатнинг фикрларини эшитиб, ҳар бир ишнинг натижаси ниятга боғлиқлигини ҳис қилдик. Орзулари унга қанот бўлишини тиладик.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА.

«ОНА ЗАМИН» ТАРАННУМИ

Пойтахтимизда ёш ҳаваскор киноижодкорларнинг «Она замин» деб номланган фестивали бўлиб ўтди. Баркамол авлод йилга бағишланган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Республика киновидеоҳаваскорлар жамияти, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

2010 йил — Баркамол авлод йили



Фестивалда ёш ижодкорлар ўзларининг бадий, ҳужжатли ва мультимедия фильмлари билан иштирок этишди.

— Ушбу тадбирни ўтказишда мақсад юртимизнинг чекка қишлоқларида камол топаётган иқтидорли йигит-қизларнинг истеъдод ва интилишларини маънавий қўллаб-қувватлаш, улар иходини кенг миқёсда тарғиб этишдир, — дейди лойиҳа муаллифи, кинорежиссёр Николай Чижов. — Қувонарлиси, фестивалга тақдим этилган фильмларнинг муаллифлари профессионал киночи бўлмасалар-да, улар яратган ижод намуналарида гоёвий

лар Андижон, Бухоро, Навоий ва Фарғона вилоятларига сафар қилиб, киновидеоҳаваскорларнинг фильм суратга олишларида яқинда ёрдамлашди. Иштирокчилар тажрибали кинорежиссёр ва операторларнинг маҳорат сабоқларида қатнашиб, малакага эга бўлдилар.

Тадбир сўнггида энг яхши фильмлар муаллифларига махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Бош соврин рақамли видеокамерада суратга олинган «Сандон» фильми муаллифи, шахрисабзлик Ғайратбек Пулатовга насиб этди. Шунингдек, бошқа ижодий ишлар муаллифлари ҳам махсус номинациялар бўйича тақдирландилар.

— Ушбу фестивалга тақдим этган ижодий ишларим таниқли кино усталарининг эътирофига сазовор бўлганидан янада руҳландим, —

дейди Ғайратбек. — Кино санъати-га шунчаки ҳаваскор сифатида қараш ниятим йўқ. Келгусида профессионал режиссёрларнинг иш услуби билан яқиндан танишиш, назарий билимларини мустаҳкамлаб, халқаро миқёсдаги нуфузли кинофестивалларда иштирок этишни мақсад қилганман.

Қувонарлиси, Ғайратбек сингари ёш ижодкорлар айни пайтда Швейцарияда бўлиб ўтаётган «UNICA — 2010» халқаро киноҳаваскорлар кўрик-танловида иштирок этиш учун ҳозирлик қўймоқда. Утган йили бизнинг вакилларимиз мазкур танловда қатнашиб, бронза медалини қўлга киритишган эди. Ҳамюртларимизга бу йилги халқаро тадбирда ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Муборак ОХУНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси илмий-техника тараққиётининг устуворликлари доирасида республикада инновация фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида, бажарилиши 2011-2012 йилларга мўлжалланган инновация лойиҳалари танловини эълон қилади

Танлов топшириқлари рўйхати Ўзбекистон Республикасининг вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлари, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тақлифлари асосида шакллантирилган. Инновация лойиҳалари илгор технологияларни жорий қилишга, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардор илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга ҳамда энергия ва ресурсларнинг тежаланиши таъминлашга йўналтирилган бўлиши лозим. Танловга тегишли бўлган зарур маълумотлар билан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасида, Фанлар академиясида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Халқ таълими вазирлиқларида, ftk.cc.uz; uzscience.uz Интернет сайтларида ҳамда ita.uz илмий-техника ахбороти порталида танишиш мумкин. Лойиҳалар эълон чоп этилган кундан бошлаб жорий йилнинг 3 сентябрга қадар қабул қилинади. МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасида: 233-25-65, 233-99-53, 233-69-61; Фанлар академиясида: 233-68-47; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида: 246-01-87; Соғлиқни сақлаш вазирлигида: 241-12-08; Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида: 241-65-19; Халқ таълими вазирлигида: 239-83-45.

Қишлоқда тиббий маскан

Шофиркон туманидаги «Мазлахон-Чандир» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида тез тиббий ёрдам бўлимининг филиали иш бошлади.

Малакали тиббиёт ходимлари меҳнат қилаётган масканда аҳолига тез тиббий хизмат кўрсатиш учун қўлайликлар яратилган. Шифокорлар «Дамас» русумли санитария автуловли, замонавий алоқа воситалари билан таъминланган. Баркамол авлод йилида яратилган бу қўлайликдан шу худудда яшовчи 12 минг на-

фардан зиёд аҳоли хурсанд.

Туманда жорий йилнинг дастлабки беш ойи давомида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг доирасидаги шу каби хайрли ишларга қарий олти миллиард сўм ҳамда 7,2 минг АҚШ доллар миқдоридан маблағ сарфланди. И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Саломатлик

ОБ-ҲАВО (14 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 20-25, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девоҳона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

ТАХРИРЯТТА КЕЛГАН ҚЎЛЁЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас. Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. t-Тижорат материалли

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев. Навбатчи муҳаррир — У. Файзуева. Навбатчи — З. Ашурова. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.